Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

5-йил чиқиши.
27 МАРТ 1970 Й.
ЖУМА
№ 73 (1141).
БАҲОСИ 2 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОШКЕНТ ЛЕНИНЧА ЗАРБДОР ЮЗ КУНЛИК ВАХТАДА

КВАРТАЛ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ



Асбобсозлик заводининг илғор ишчиси Йўлдош Пўлатов ўн уч йилдан бери шу корхонада ҳалол меҳнат қилиб, коллектив ҳурматини қозоняпти. Меҳнатда пешқадам бу ишчи шу кунларда ленинча меҳнат вахтасида туриб смена топшириғини 130-140 процент қилиб бажармоқда.

А. Тўраев фотоси.

✻ Зафарларимиз доҳий юбилейига

ҲАМЖИҲАТЛИК БИЛАН

Шаҳримиздаги 2502 автоколоннанинг ишчи-хизматчилари бундан бир ҳафта илгари юбилей йили биринчи квартал топшириғи бажарилганлиги ҳақидаги ғалаба рапортига имзо чеккан эдилар. Автомобилчилар меҳнатда эришган ҳар бир зафари улуғ Ленин юбилейига бағишламоқдалар.

Автохўжалик ҳайдовчилари ўз ички имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, ой охригача апрель ҳисобига қирқ тоннадан ортиқ халқ хўжалик юкларини белгиланган манзилга этказиб беришга қарор қилдилар.

Бу ерда В. И. Ленин туғилган куннинг юз йиллиги шарафига социалистик мусобақа тобора қизитилмоқда. Ўтган йилнинг ўзидагина бир юз қирқ етти ҳайдовчи ва олтита бригадага коммунистик меҳнат зарбдори ва коллективи деган шарафли ном берилган эди.

Автоколоннанинг эллик етти ишчиси беш йиллик топшириқни аллақачон бажариб қўйишган. Ленинча зарбдор юз кунлик вахтасида эса корхонанинг Б. Рихсиев, В. Орехов, М. Митаров ўртоқлар бошлиқ бригада азаматлари ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилмоқдалар.

Илғор корхона коллективи тўрт ойлик топшириқни доҳий туғилган кунгача бажариш учун курашиб, социалистик мусобақани тобора қизитмоқда.

✻ Меҳнат зафарларимиз доҳий юбилейига

ТЕХНИКА ШАРОФАТИ

БУГУН

2-автомобиль ремонти заводининг коллективи маҳсулотни реализация қилиш биринчи квартал топшириғини бажарди.

Корхона ишчи-хизматчилари шу муддат ичида пландан ташқари 3 та «ЗИЛ-158» маркали пассажир автобусларини ремонтдан чиқардилар.

Хўш, қўлга киритилаётган зафарларнинг калити нимада? Корхона ишчилари ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш, техникадан унумли фойдаланиб, меҳнат унумдорлигини ошириш, тежамкорлик ва самарадорлик учун кураш туфайли бундай муваффақиятни қўлга киритмоқдалар.

Шу кунларда корхонада 11 апрелда ўтказилажак коммунистик шанбаликка қизғин тайёргарлик кўрилянти. Ана шу меҳнат байрами кунида пландан ташқари битта автобусни ремонт қилиш ва уни пассажир автопаркларидан бирининг энг илғор ҳайдовчисига тантанали равишда топширишга қарор қилинди.

ДАСТУРХОНИМИЗ ЗИЙНАТИ

Консерва заводида тайёрланаётган маҳсулотлар дастурхонимиз зийнати бўляпти. Бу маҳсулотларни харидорларимиз мамнунлик билан сотиб олишяпти.

БУГУН

заводнинг поток линияларидан бир ярим миллионинчи шартли консерва банкалари тушириб олинди. Консервачиларнинг ишлаб чиқарган ана шу маҳсулоти Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётганларга бир донадан етади.

Квартал планини муддатидан илгари — 23 мартда адо этган корхона меҳнатчилари ўз ички имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, ой охригача планга қўшимча қирқ минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилишга аҳд қилдилар.

ЎЗБЕК ЛИБОСЛАРИ ЯПОНИЯДА

Шаҳар модалар уйи чеварлари ўзбек миллий либосларининг янги замонавий намуналарини яратдилар. Улар атлас, ипакли ва замонавий материаллардан тикилган хилма-хил кийим-кечаклардир.

Куни-кеча либослар Япониянинг Осака шаҳрида очилган халқаро «ЭКСПО-70» кўргазмасига юборилди.

БУГУН

модалар уйининг манекенчиси Лола Жумахўжаева Москвадан Японияга жўнаб кетди. У кўргазмада либосларни намойиш қилади.

✻ Янгиликлар адреси:

ИТТИФОҚДА БИРИНЧИ

БУГУН

Лак-бўёқ заводининг биринчи цехида янги индукцион реактор қозонлари ўрнатиб бўлинди.

Электр энергиясида ишлайдиган қозонлар иттифоқимизда биринчи марта Тошкентда қурилиб, синаб кўрилянти. Москвадаги 4-Давлат лойиҳа институти инженерлари яратган янги қозонлар олти кубометр ҳажмда маҳсулот тайёрлаб беради. Бу эса газда ишловчи қозонлардан уч марта ортиқдир.

Янги индукцион реактор иситиш қозонларда маҳсулот сифати ҳам анча яхши бўлади.

Бу янги реакторлар 1973 йилдан заводнинг барча цехларида ишлай бошлайди.

✻ Янги лойиҳалар

МАЪМУРИЙ БИНО

БУГУН

Ўзбекистон Давлат лойиҳа институти 6-бўлими архитектор ва инженерлари Наманган область партия комитетининг маъмурий бинаси лойиҳасини яратиб бўлдилар.

Иморатда партия ва комсомол комитетлари маъмурий идоралари жойлашади.

Муҳташам бино темир бетон каркасдан қурилиб, деворлари керамзит бетон панеллардан қад кўтаради.

Янги иншоот 20000 кубометр ҳажмга эга бўлади.

✻ Тошкент—жаҳонга

ҚАРДОШЛАР БУЮРТМАСИ АСОСИДА

БУГУН

«ТАШСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИ КОЛЛЕКТИВИ БОЛГАРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ВА КУБА РЕСПУБЛИКАСИ БУЮРТМАСИНИ БАЖАРИБ БЎЛДИ. МАҲСУЛОТЛАР Н И ЭКСПОРТ ҚИЛИШ МАЙДОНЧАСИДА ЗАВОД МАРКАСИ ҚЎЙИЛГАН ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРИ ТУРИБДИ.

Куни-кеча завод дарвозасидан Бирлашган Араб Республикаси, Ироқ ва Ҳиндистонга пахта териш машиналари жўнатилган эди. Корхона шу билан биринчи квартал экспорт планини адо этди.

ЯНГИ МИЖОЗЛАР

БУГУН

«Таштекстильмаш» заводининг тўқимачилик машиналари жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг диққатини жалб этмоқда.

Африка қитъасидаги Сурия ва Нигерия мамлакатлари корхонанинг янги мижозларидир. Улардан шу йили бир неча машиналар тайёрлаб бериш ҳақида буюртмалар олинди.

ОЗОДЛИК ОРОЛИ — КУБА РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БУЮРТМАСИГА БИНОАН РОСТЛАШ МАШИНАЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ ПАРТИЯСИ ТАЙЁР ҚИЛИНДИ. Бундан ташқари Болгария, Покистон, Чехословакия, ГДРга ҳам тўқимачилик машиналари юборилади.

Меҳнат Қизил Байроқ орденли тўқимачилик комбинатида меҳнатни илмий асосда ташкил этиш натижасида корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати тобора ортиб, маҳсулот сифати янада яхшиланмоқда.

СУРАТДА: 2-йигириш фабрикасидаги юқори механизациялаштирилган участка. М. Нуриддинов фотолари.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

СССР Олий Советига сайлов ўтказиладиган кун яқинлашиб келмоқда. Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг навбатдаги мажлисида шу сайловга қандай тайёргарлик кўрилаётганлиги тўғрисида гаплашиб олинди.

Мажлисда шу нарса таъкидлаб ўтилдики, республикада сайлов кампанияси В. И. Ленин туғилган куннинг юз йиллиги байрами туфайли вужудга келган зўр меҳнат ғайрати ва сиёсий активлик вазнятида авж олиб бормоқда. Шаҳар ва қишлоқларнинг меҳнатчилари сайлов кунини беш йиллик топшириқларни муддатидан олдин бажариш учун, КПСС XXIII съезди қарорларини муваффақиятли равишда амалга ошириш учун курашни кучайтириш билан кутиб олишга бел боғладилар.

Қабул этилган қарорда сайловга ташкилий-техникавий жиҳатдан тайёргарлик кўриш юзасидан Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг, область Советлари ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетларининг конкрет вазифалари белгилаб берилди.

Сайлов участкаларининг чегараларини ўз вақтида белгилаш, сайловчиларнинг рўйхатларини тўғри тузиш, сайлов комиссияларини тегишли бинолар ва алоқа воситалари билан таъминлаш зарурлигига алоҳида эътибор берилди. «Статистика» нашриётининг республика бўлимига етарли миқдордаги сайлов ҳужжатларини қисқа муддатларда нашр этиш таклиф қилинди.

Алоқа, маданият, савдо министрликларига, «Узбекбирлашув» правлениесига, граждан авиацияси Узбекистон бошқармаси, республика Министрлар Советининг матбуот, кинематография, радио эшиттириш ва телевидение давлат комитетларига, Урта Осиё темир йўли бошқармасига, Узбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги юридик комиссияга ва бошқа бир қанча ташкилотларга сайловга ташкилий-техникавий жиҳатдан тайёргарлик кўришнинг муфассал планларини ишлаб чиқиш топширилди.

Шу мажлиснинг ўзида Олий Совет Президиуми табиий муҳитни ифлослантиришга қарши курашни кучайтириш тўғрисида Олий Советнинг қишлоқ хўжалиги ҳамда табиатни ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш доимий комиссиялари киритган масалани, шунингдек Тошкент области корхоналари ва ташкилотларида меҳнат тўғрисидаги қонунларга қандай риоя қилинаётганлиги тўғрисидаги масалани ҳам қараб чиқди.

(ЎзТАГ).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ МИЛЛАТЛАР СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ЎЗБЕКИСТОН ССР САЙЛОВ КОМИССИЯСИ СОСТАВИГА НОМЗОДЛАР КЎРСАТИЛМОҚДА

Республикада сайловолди кампанияси тобора кенг авж олиб бормоқда. 26 март куни СССР Олий Совети Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи Узбекистон ССР сайлов комиссияси составига номзодлар кўрсатила бошланди.

Тошкентдаги «Узбексельмаш» заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан салкам икки минг киши «Сайлов тўғрисида Низомга биноан республика сайлов комиссияси составига ўз вакилини кўрсатмоқ учун икки смена орасида тўпланди.

Қуюв цехининг бош мастери, коммунист Абдусамад Азимович Қориевни завод коллективидан номзод қилиб кўрсатиш тўғрисидаги таклифни машинасозлар маъқуллаб кутиб олишди. А. А. Қориев — Улуғ Ватан урушининг иштирокчиси. У, заводда узоқ вақт ишлаб, ўзининг ишлаб чиқариш новатори, актив жамоатчи эканлигини кўрсатди.

Йигитлик қатнашчилари А. А. Қориевни СССР Олий Совети Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи Узбекистон ССР сайлов комиссияси составига кўрсатишга бир овоздан қарор қилдилар.

Республика Фанлар академияси президиумининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда академия олимлари ва илмий ходимлари номидан Узбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти Обид Содиқов республика сайлов комиссияси составига кўрсатилди.

Маданият ходимлари касаба союзи республика комитети президиумининг кенгайтирилган мажлисида республика сайлов комиссияси составига Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудири Георгий Михайлович Орлов тавсия этилди.

Узбекистон касаба союзлари Советининг секретари Алексей Захарович Завьялов Узсовпроф президиумининг кенгайтирилган мажлисида республика сайлов комиссияси составига таклиф қилинди.

Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзидан республика сайлов комиссияси составига Узбекистон комсомоли Марказий Комитетининг секретари Дилбар Аббосовна Абдураззоқовани номзоди кўрсатилди. Унинг номзоди Узбекистон комсомоли Марказий Комитети бюросининг кенгайтирилган мажлисида тавсия этилди.

Республика Ёзувчилар союзидан шу ижодий ташкилот правлениесининг раиси Комил Нуъмонов (Яшин) республика сайлов комиссияси составига кўрсатилди.

(ЎзТАГ).

Қўшимча 300 минг...

Қодирия сув тозалаш иншоотларининг биринчи навбати ишга туширилди.

Қизил байроқлар ва яшил новдалар билан безатилган майдонда одамлар гавжум. Ғишт терувчилар, бетончилар, монтажчилар бу ерга Қодирия сув тозалаш иншоотлари биринчи навбатининг ишга туширилишини нишонлаш учун йиғилганлар. Бу —улкан ва қувончли воқеа. Эндиги Тошкент кунига қўшимча 300 минг кубометр тоза, ичимли сув ола бошлайди.

Бу иншоотларни «Узбекгидроэнергострой» трести бунёд этди. Уни қуришда «ТашГРЕСстрой»нинг, ихтисослаштирилган, санитария-техника, механизациялашган ва бошқа бошқармаларнинг қурувчилари ва монтажчилари ҳам иштирок этди.

Қурувчилар кечаю кундуз, қуёш ёғингарчиликда ҳам, изғирин совуқда ҳам меҳнат қилишди. Дуч келган қийинчиликларни енгиб ўтишди. Мана бу рақамлар Қодирияда бажарилган ишларнинг кўлами ва ҳажми нақадар улканлигидан далолат беради: сув қабул қилувчи ва тозаловчи иншоотларни тиклаш учун 10 миллион сўм ўзлаштирилди, 3 миллион кубометр тупроқ ишлари бажарилди, 30 минг кубометр бетон ва темир-бетон ётқизилди, 12 минг тонна сув ўтказувчи қувур ва металл конструкциялар монтаж қилинди, технология ва электротехника ускуналарининг катта ҳажмдаги монтаж ишлари бажарилди.

Қодирия сув тозалаш иншоотларининг ўзи нима? Уни ҳақли равишда гидротехника узелининг миниатюраси деса бўлади: бу ерда қиргоқларига сув тозалаш иншоотларининг комплекси жойлашган сув омбори, сув тиниитиш функциясини бажарувчи 12 темир-бетон ҳажмли фильтрлаш корпуси мавжуд. Хар бир сув тозалаш иншооти эса биринчи босқичга кўтарувчи насос станцияси бор водоприёмникдан иборат. Уларнинг кучли насослари юқорига секундига 10 кубометр сув чиқариб бера олади. Тинитилган сув хлор қўшилгандан сўнг фильтрлаш корпусидан ҳар бирининг узунлиги 12 километр бўлган қувурлар орқали шаҳар водопровод тармоғига етказиб берилади. Шу майдончанинг ўзидаёқ реагент хўжалиги, хлор қўшиладиган бино, хлор сақланадиган омбор, беш минг кубометр тоза сув сақланадиган резервуар, кичик электр станцияси, қозонхона, ер ости коммуникациялари ва бошқалар жойлашган.

Улкан объект, улкан ғалаба. Шунинг учун қурувчилар ҳам, уларни табриклаган, миннатдорчилик билдиргани келган тошкентлик меҳмонлар ҳам хурсанд.

Кеч соат 5... Минбарга область ва шаҳар партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари кўтарилишади.

Митингни Чилонзор район партия комитетининг секретари О. С. Соқиев очади.

Бугун катта байрам. Биз Тошкентга ҳар куни 300 минг кубомтер сув етказиб берадиган Қодирия сув тозалаш иншоотлари биринчи навбатининг ишга туширилишида иштирок этаяпмиз. У шаҳарликларни ичимли сув билан таъминлашни яхшилабгина қолмай, саноатимизни ҳам таъминлайди.

Митингда «Узбекгидроэнергострой» трестининг бош инженери Л. Б. Борискин катта нутқ сўзлади. У муҳим объект қурилишига республика ва шаҳар партия, совет ташкилотлари яқиндан ёрдам кўрсатганини таъкидлади. Ўзининг ғайрати билан кишиларни меҳнат жасоратига илҳомлантирган энг яхши қурувчиларнинг номини айтиб ўтди.

—П. Панкратов, И. Нерушларнинг, комплекс бригадалари, П. Чехлов бошлиқ арматурачилар, Д. Изоткиннинг дурадгорлари, Г. Моисидис бошлиқ сувоқчилар, А. Куть етакчилик қилган бўёқчилар, фильтрлаш ва насос станцияларини монтаж қилган В. Пак ва А. Қаҳҳоровларнинг, ана шу станциялар биносининг каркасини монтаж қилган Д. Седов ва А. Амиловнинг монтажчилари,— деди,— коллективимизда бошқаларга ўрнак бўлишди.

Л. Б. Борискин «Ташинжстрой» трестининг ишчиларига, 3-автокомбинат ҳайдовчиларига ва бошқаларга муҳим топшириқни бажариш учун курашда ёрдам кўрсатганликлари учун қизғин миннатдорчилик билдирди.

«Водоканал» трестининг бошқарувчиси М. Хўжаев қурувчиларни, ўз объектларингизни ишончли қўлларга топширяпсиз, деб ишонтирди. Эксплуатациячилар барча ускуналардан эҳтиётлик билан фойдаланишади. Улар барча қувватларни ўзлаштириш ва шаҳарга бериладиган сувни 350 куб метрга етказишга сўз беришдилар.

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Х. Асомов қурувчиларга В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги арафасида шаҳарликларга инъом қилган улкан совғалари учун самимий миннатдорчилик билдирди. У қурувчиларнинг фидокорона меҳнати юксак тақдирланганини: 200 киши фахрий ёрлиқлар билан, 100 киши «Тошкент биноқори» нишони билан, илғор қурувчилар ҳукумат мукофотларига тақдим этилганини маълум қилди.

Митинг ёпилди. Гулдурос қарсаклар остида «Узбекгидроэнергострой» трестининг бош инженери Л. Б. Борискин ва «Водоканал» трестининг бошқарувчиси М. Хўжаев фильтрлаш станциясига кираверишдаги қизил лентани қирқадилар. Қодирия сув тозалаш иншоотлари ишга тушди.

СУРАТЛАРДА: Қодирия сув тозалаш иншоотлари биринчи навбатининг ишга туширилишига бағишланган митинг ва сув фильтрлаш участкасининг кўриниши.

ЛЕНИН МАНГУ ЯШАЙДИ

БУЮК ҒАМХЎРЛИК

Совет давлати барпо этилганининг дастлабки йилларидаёқ Владимир Ильич Ленин аҳоли озиқ-овқат истеъмоли проблемасини ишлаб чиқиш ишига ғоят муҳим ҳисса қўшган. Уша пайтларда, у аҳолини овқат билан таъмин этиш масаласини революция ғалабаларини қўриқлаш масаласи билан ёнма-ён қўйди.

В. И. Ленин нон тайёрлаш декрети проектини шахсан ўзи тузди. Унда, доҳий, мамлакатни очарчиликдан сақлаб қолган нон ишлаб чиқариш монополиясининг назарий асослари ва практик чора-тадбирларини ишлаб чиқди.

Уша ғоят қийин йилларда, Ильич аҳоли овқати нормаларини ўрнатишга катта эътибор билан ёндошди. Ленин, бизнинг озиқ-овқат соҳасидаги барча ишларимиз «соғлом гигиена паёги» ўрнатишга қаратилиши керак, деб уқтирган эди. Бундан у паёк нормаси тушунчасига аниқлик киритди.

Шу муносабат билан, В. И. Ленин 1919 йилнинг охирида РСФСР аҳолиси озиқ-овқат истеъмол қилишининг қиёсий жадвали лойиҳасини тузди ва уни, шуддай жадвални бутун мамлакат аҳолиси учун тузиш зарурлигини илтимос қилиб, ЦСУга юборди.

Меҳнат озиқ-овқат паёги декрети борасида қилган ўз кўрсатмаларида В. И. Ленин меҳнат тури, иш куни, киши ёши, саломатлиги ва бошқа қатор факторларни ҳисобга олди. Доҳий уч категориядан иборат меҳнат паёкларини жорий этишни маслаҳат берди: биринчи категория — ақлий меҳнат кишилари ва идорада ишловчилар учун паёк, иккинчи категория — жисмоний меҳнат қилувчилар учун паёк, учинчи категория — оғир жисмоний меҳнат кишилари учун паёк ва ҳоказо.

В. И. Ленин илмий ходимларнинг озиқ-овқатига алоҳида эътибор берди. Унинг кўрсатмаси билан, олимлар учун «академик паёк» деб аталувчи паёклар жорий қилинди. Йирик фан арбоблари учун у индивидуал паёклар ўрнатишни тавсия қилди. Чунончи, 1920 йилнинг 25 июлида Петроград ижроия комитетига йўллаган мактубида у академик М. П. Павлов учун каждаражали иккі академик паёкка тенг бўлган паёк белгиланиши керак-лиги ҳақида ёзди.

В. И. Ленин ўсиб келаётган авлод озиқ-овқатига, айниқса, катта эътибор берарди. Соғлиқни сақлаш Халқ комиссари Н. А. Семашко ўз эсдаликларида Ленининг болаларга ғамхўрлик борасидаги гапларини эслайди. Биз катталар, майли, оч қолайлик, лекин охирги сиқим унни, охирги қанд парчасини, охирги ёғ бўлагини болаларга беришимиз керак. Бу оғир юк яхшиси катталар елкасига тушсин. Лекин барча йўллар билан болалар аҳволини яхшилайлик, деган эди доҳий. Бу гаплар унинг болаларга бўлган катта муҳаббатигина эмас, балки Ильичнинг мамлакатимиз келажаги ҳақида, янги дунё қурувчилари, коммунизм қурувчилари ҳақида чин дилдан қайғурганини ҳам яққол кўрсатиб турибди.

1918 йили В. И. Ленин болалар овқатини кучайтириш ва болалар овқати фонди ҳақидаги декретларга қўл қўйди. Мазкур декретларда кўрсатиб ўтилишича, Халқ Комиссарлари Совети болалар овқатини ташкил этиш масалаларига биринчи даражали аҳамият беради. Бир ёшдан беш ёшгача бўлган болалар учун ҳусусий озиқ-овқат карточкалари жорий этилди. Эмизукли болаларга кунига бир шиша сут, ҳафтасига ярим фунт манна крупаси ва бир ойга ярим фунт қанд бериш кўзда тутилди. Бир ёшдан беш ёшгача бўлган болалар учун қўшимча паёк бериладиган бўлди.

1919 йилнинг май ойида болаларни бепул овқатлантириш ҳақидаги декрет нашр этилди. Унга Ленин имзо чеккан эди. Бу декретга асосан 14 ёшгача бўлган болаларга озиқ-овқат текинга берила бошланди.

Болаларнинг тўғри овқатланишини ташкил этиш масаласи билан бир қаторда, В. И. Ленин беморлар овқатига ҳам катта эътибор билан қаради. Масалан, озиқ-овқат етишмаётган энг оғир даврда (1918) у озиқ-овқат билан таъминлаш бўйича Халқ Комиссарларига дарҳол ҳамма шоколад ва какаоларнинг запасини ҳисобга олиш ва уларни биринчи навбатда ўқув юртлари ва касалхоналардаги беморлар, болалар ва ўсмирлар учун йўллаш ҳақида кўрсатма берди.

Қримда озиқ-овқатларнинг маълум миқдордаги запаси борлигидан хабар топган В. И. Ленин 1919 йили Халқ Комиссарига мева консервалари ва пишлоқ сингари қимматли озиқ овқатларни Россия шимолидаги касал болалар ҳузурига жўнатиш ҳақида кўрсатма берди. Бокудан чет элга 6 минг пуд қора икра жўнатилиши мўлжалланаётгани доҳий қулоғига етганда, у бу озиқ-овқатларни дарҳол касал пролетарлар ҳамда уларнинг болаларига юбориш ҳақида қарор қабул қилади.

В. И. Лениннинг курортлардаги меҳнаткашлар овқати ҳақида ҳам мудом қайғургани қатор тарихий ҳужжатларда ўз ифодасини топган.

Н. А. Семашкога ёзган хатида (1921 йил сентябр.) В. И. Ленин Халқ комиссаридан Қрим ва Кавказ курортларида овқатланишни ташкил этишни тартибга келтириш иши билан алоҳида шуғулланишни илтимос қилди.

Аҳолини бу оғир йилларда озиқ-овқат билан яхши таъмин этиш мақсадида Лениннинг ташаббуси билан йирик шаҳарлар атрофида полизлар ва чорвадорлик хўжаликлари ташкил этилди. Шу нарса характерли эдики, очарчилик даврларида ҳам В. И. Ленин озиқ овқатларнинг сифат томонларини ўз назаридан четда қолдирмади. 1919 йил ёзида совет хўжаликларидан В. И. Ленинга мевалар солинган посилка келганда, у бу ишни иккинчи такрорламасликни сизлардан қатъий илтимос қиламан, мевалар ва бошқа нарсаларни менга юборманг. Менга дарҳол совет хўжаликларидаги мевалар ва бошқа нарсалар қандай тақсимланаётгани, қаерга ва қанча миқдорда юборилаётгани ҳақида маълумот беринг, деб жавоб ёзганди.

Улуғ доҳийдан ўрнак олиб, унинг сафдошлари ҳам озиқ-овқат таъминотининг революцион қонунларига қатъий амал қилишарди.

В. И. Ленин Совет давлати барпо этилганининг биринчи кунлариданоқ ижтимоий овқатланишга чуқур эътибор бериб келди. Ижтимоий овқатланиш муассасалари, болалар яслиси, болалар боғчаси ва бошқаларни ўша пайтларда у коммунизм куртакчалари деб атади.

В. И. Ленин ижтимоий овқатланишга шунинг учун ҳам катта аҳамият берар эдики, ижтимоий ошхоналар аёлларни оғир меҳнатдан озод қилишга қодир, улар аёлларнинг эрлар билан тенгсизлигини камайтириш ва йўқотиш учун муҳим роль ўйнар, ижтимоий ишлаб чиқариш ва жамият ҳаётида аёллар ролининг ортишига олиб келар эди.

Шундай қилиб, Ленин томонидан Россиядек оч ва оғир аҳволдаги мамлакатнинг озиқ-овқат таъминоти системаси асослаб берилди. Бу эса ўз навбатида ишчилар синфи ва меҳнаткаш деҳқонларга революция ғалабаларини охиригача сақлаб қолиш имконини берди.

Ғ. МАҲКАМОВ,
медицина фанлари доктори, профессор.



СУРАТДА: пластмасса буюмлари заводининг илғор ишчиси комсомол аъзоси Анвар Маҳмудов.
И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикасида КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланишни яхшилаш ва халқ хўжалигида тежамкорликка қатъий риоя қилиш» ҳақидаги Хатини зўр мамнуннят билан кутиб олдилар. Улар шу кунларда тежамкорлик ва самарадорлик учун курашиб, бу соҳада катта ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Суратда: чапдан М. Толипова ва Н. Авилова сингари ишчилар бу курашда пешқадамлар сафида боришаяпти.

А. Тўраев фотоси.

● *Оддий касб эгалари*

ҲУРМАТ МЕҲНАТДА

Ғаффор Абдазов беш йилдан буён «Тоҳир ва Зуҳра» магазини ёнидаги «Союзпечать» киоскасида ишлайди. Ширинсухан отахон кунига 3000 газета ва журнал сотади. Бу моҳир матбаа тарқатувчи ўтган икки ой мобайнида пландаги тўрт минг тўрт юз сўмлик ўрнига, олти минг сўмликдан зиёд газета-журнал сотди. Ана шундай ҳалол меҳнати туфайли, у бир неча бор Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги ҳамда «Союзпечать»нинг фахрий ёрлиғи, пул ва буюм мукофотларини олишга муяссар бўлган.

Э. ҲАМИДОВ.

● *Беш йиллик илғорлари*

БУНЁДКОРЛАР

Узоқдан кўтарма кранларнинг баланд миноралари кўзга ташланиб турибди. Объектда иш қизғин. Бетон узели тиниммсиз гувиллар, кран пўлат чангалида ғоҳ оғир плита ёки панель, ғоҳ бетон қоришмасини юқориги қаватга чиқариб қўярди.

Мазкур объектда 1-уйсозлик комбинатига қарашли 3-монтаж бошқармасининг прораби Юрий Попов раҳбарлигидаги коллектив меҳнат қилмоқда.

Мана, ён девор панелини ўрнатяптилар. Панеллар махсус тиркагичлар билан тутиб турилади. Пастки панелга тўғри қўйилгач, пайванд қилинади. Пайванд ғоят мустаҳкам бўлиши керак. Ташқи девор плиталари орасидаги вертикалига ва горизонталига туташадиган жойлари махсус қоришмалар билан тўлдирилади. Қаватлараро ёпиладиган панеллар ва плиталарни бир-бири билан пайвандлашда эҳтиёткорлик ва усталик талаб қилинади. Акс ҳолда, меҳнат зое кетади.

Буларни яхши билган ишчилар ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилмоқдалар. Сифатга эътибор бериш — уларнинг доим диққат марказида.

— Биз тиклаётган бу бино, — дейди прораб Юрий Попов, — Франциядаги «Камью» фирмасининг лойиҳаси асосида Тошкентда биринчи марта қурилаётган бинолардандир. У бир юз йигирма олти оилага мўлжалланган бўлиб, ҳар томонлама қулайликка эга бўлади. Илғор ишчиларимиздан пешқадам арматурачи Юрий Казанцев, дурадгор Алексей Дунаев, пайвандчи Гусман Ҳакимжонов ва Борис Злобин, монтажчи Михаил Кряноногов ва бошқалар смена топшириқларини бир яримикки ҳисса адо этмоқда.

Ҳа, Чилонзорнинг ўн саккизинчи кварталида фидокорона меҳнат қилаётган бу коллектив мазкур бинонинг бешинчи қаватини 22 апрелгача тугалламоқчи. Ўйин эса июнь ойида фойдаланишга топширамиз, дейишмоқда.

С. ҚУЧҚОРОВ.

Сиз бу суратда шаҳримиздаги хўжалик буюмлари заводининг беш йиллик илғорларидан бири Маҳкам Худойбердиевни кўриб турибсиз.

И. Шоннўғомов фотоси.

● Шаҳримиз озода ва кўркам бўлади

БИРИНЧИ ШАНБАЛИКДА

«Марказ-5»да пермлик бинокорлар йигирма тўртта икки қаватли коттеж қуриб берган эдилар. Бу ерда яшовчилар йиғилишиб, кўчат, гул экиш, кўчаларнинг санитария ҳолатини янада яхшилаш тадбирларини белгилашди.

Ҳар бир ҳонадон ҳовли ва кўчаларга ўн туп мевали дарахт, ўн туп гул кўчати экишга аҳд қилди.

Дастлабки шанбаликда бир юз йигирма туп мевали дарахт, юз туп турли гул кўчатлари экилди. Бу ишда З. Назаров, А. Умаров, С. Хўжаев, М. Султонов, И. Аҳмедовлар бошқаларга намуна бўлдилар.

Ўқувчилар ҳиссаси

193-мактаб коллективи ҳам ободонлаштириш вма кўкаламзорлаштириш ойлигида фаол иштирок этяпти.

Ўқувчилар мактаб ҳовлиси ва унинг атрофидаги ариқ бўйларига икки минг туп манзарали ва икки юз туп мевали дарахт ниҳоллари ўтказишди.

ЎРТАК ЭМАС— ҲАҚИҚАТ

Кичкина дарё ортидаги тепаликда тегирмон, бир томони эса қалин ўрмонзор. Белоруссия манзараси. Атроф жим-жит. Ёнгинангда душман яширинib ётганлигига, бир неча ойдирки, уруш бораётганлигига ишонгинг келмайди, киши...

— Эҳ, қани энди қишлоққа қайтсак, — дейди жангчилардан бири.

— Уйга кетишга ҳали эрта, — унга жавоб қайтарди кимдир. Шу пайтда пулемётнинг «тилга кирганн» эшитилди. Ўқлар бурстверга келиб тегар, чийиллаб ўтиб солдатларни яна ҳам энгашишга мажбур қиларди.

— Бир ўт очиб кўрсакмикан, — дедим камаримдаги гранаталар солинган сумкага қараб.

— Буйруқсиз мумкин эмас, — ганга аралашди сибирлик ҳамроҳим.

Шу пайт, капитан Отрохов етиб келди-ю, жангчиларни йиғиб «тил» олиб келиш ва пулемётни йўқ қилиш кераклигини айтди.

— Ижозат беринг, операцияни мен бажараман! — ўрнимдан туриб честь бердим.

...Ботқоқликдан ўтиб боришга тўғри келди. Илгари бу ердан торф қазиб олинар экан. Оёқларни кўтариб олиш қийин эди. Ўн беш метрча масофани эмаклаб бордим.

Қарасам, саройдан ўт чиқяпти. Ёнимда бир тўп пичан уюми турган эди. Пулемётнинг диққатини четга тортиш учун пичанни ёқиб, ўзим четроққа ўтдим-у, қулай фурсатни танлаб, саройга граната иргитдим. Кимдир қулади. Мен яна қўлимга граната олиб, унга яқин бордим. Душман зўрға нафас оларди. Уни ўзим ётган жойга судраб келдим.

Шундай қилиб, бир йўла икки вазифани бажардим...

Тонг отарда ҳамма ҳужумга ўтиб, мени эса госпиталга жўнатишди. Даволангандан кейин, Харьков шаҳрини озод қилиш учун шиддатли жангда қатнашдим. Бир куни 28-танк корпуси командири подполковник Аржинович мени кабинетига чақириб, ўз корпусига алоқачи қилиб олди.

...Қутурган душман Мерефада қанд заводи мандонини қуршаб олиб, ердан ва ҳаводан контратакага ўтарди. Шунда мен командирдан ўтли нуқтани йўқотишга ижозат олдим. Уч немис танки тезлик билан мен томон келарди. Мана, юз метрча қолди. У ёғини билмайман. Фашистлар ҳужумини қандай қилиб чалғитганимниям, немис танкларини қандай қилиб мажақлаганимниям эслолмайман...

Урушнинг биринчи кунларидан бошлаб, Берлинни олишгача иштирок этиб, она шаҳрим Хивага ғалаба билан қайтиб келдим. Хизматларим эвазига II даражали «Улуғ Ватан уруши» ордени ва бер неча медаллар билан тақдирландим.

Ҳозир пойтахтдаги котёллар бирлашмасида оператор бўлиб ишлаяпман. Саккиз боланинг отасиман. Тўнгич ўғлим Пўлатжон армия сафида хизмат қилаётибди.

Энди сира уруш бўлмасин. Ҳа, унинг номи ўчсин!

М. САЪДУЛЛАЕВ,
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси.

● *Буюк ғалаба солномаси*

XXV



СУРАТДА: В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг бўлажак журналистлари машинкада ёзиш дарсида.

Н. Муҳаммаджонов фотоси.

Одобли бола — фахримиз

Атоқли совет педагоги А. Макаренко бола тарбияси ҳақида гапириб, бундай деган эди:

«Яхши тарбияланган болалар—бу, бахтимиз. Нобоп тарбия олган болалар—бу, бизнинг келажакдаги ғамгуссамиз, кўз ёшларимиз, бизнинг бошқалар олдидаги, бутун эл-юрт олдидаги гуноҳларимиздир».

Дарҳақиқат, бола тарбияси билан шуғулланиш фақат мактаб ишигина бўлмай, жамоатчиликнинг ҳам муҳим бурчидир. Бу масъулиятни чуқур ҳис этган Киров районидаги «Марказ-4», «Марказ—5» ва 1-кварталга қарашли маҳалла активлари, шунингдек, 9-мактаб маъмуриятн таълим-тарбия ишларини намунали олиб бормоқдалар.

Куни-кеча, 9-мактабнинг мажлислар залида тарбия мавзусига бағишланган катта йиғин бўлиб ўтди.

Мактаб директори И. Саъдиев йиғилишни очиб, мактаб ўқувчилари орасида ўз хулқи-одоби билан намуна бўлаётган болалар, уларнинг ота-оналарининг ажойиб фазилатлари ҳақида, шунингдек, баъзи ота-оналарнинг бола тарбиясига бефарқ қараб, салбий таъсир кўрсатаётганликлари ҳақида гапирди.

Шундан кейин, Киров районининг прокурорининг ёрдамчиси Маҳсума Убайдуллаевага сўз берилди. У, балоғатга етмаган ёшлар ўртасида содир бўлаётган жиноятларнинг келиб чиқиш сабабларини жонли далиллар билан сўзлади. Айниқса, ичкиликбозлик болалар тарбиясига ёмон таъсир этишини алоҳида уқтириб ўтди.

Болалар тарбиясида намуна бўлаётган кекса ота С. Акбаров бола тарбиясида ҳўшёрлик ва зийраклиқни қўлдан бермасликни, болани доим назорат қилиб туриш кераклигини айтди.

Йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон ССР Маориф Министрлигининг ходими А. Абдуғаниев болаларни бозорда савдо-сотиқ ишларига аралаштирмаслик, иложи борича харид қилиш учун магазинга юбормаслик ҳақида гапирди.

Бола тарбиясига бағишланган йиғилишга икки юздан ортиқ ота-оналар ва ўқитувчилар қатнашди.

С. СУЛТОНОВ,
ўқитувчи.

✱ Ибратли тадбир

ТАРБИЯНИ КЎЗЛАБ

Октябрь районидаги 106-ўрта мактабда таълим-тарбиявий ишларни кучайтиришга катта эътибор берилмоқда. Ўқувчиларни коммунистик ахлоқ, ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялаш учун педагоглар коллективи ташаббуси билан бу ерда турли-туман тадбирлар—атоқли кишилар билан учрашувлар, муҳим саналарга бағишлаб сборлар, савол-жавоб кечалари уюштиришяпти. Яқинда ўтказилган шундай тадбирлардан бири балоғатга етган ўқувчи ёшларга паспорт топшириш маросимига бағишланди.

Тантаналн вазиятда ўтказилган бу маросимда 120 дан ортиқ ўқувчи қатнашди. Кечани мактаб директори, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Қ. Илёсов очди. Шундан сўнг, Октябрь район ички ишлар бўлимининг бошлиғи, подполковник Б. Алиев, шу бўлим паспорт столининг бошлиғи, старший лейтенант С. Убайдуллаев, шаҳар милиция бошқармаси паспорт столининг бош инспектори, капитан Ш. Шорустамов ўқувчиларни балоғатга етганликлари билан табриклаб, 50 йигит ва қизга тантанали суратда паспорт топширдилар.

А. ОТАМЕТОВ.

УНУТИЛГАН КЎЧА

Бундан бир неча йил илгари кўчамизни асфальт қилиб беришганди. Лекин 1968 йилда бир группа устабузармонлар кўчани янгидан ремонт қиламиз деб, асфальтнинг бузилган жойларини кўчиришди. Биз бир йил кутдик. На ремонтчи на янги асфальтчидан дарак бўлди. Ниҳоят, 1969 йилда устабузармонларнинг янги бир группаси келиб, асфальт кўчанинг қолган қисмини бузиб кетишди.

1970 йилнинг биринчи кварталн ҳам ўтиб бормоқда. Шомуҳамедов кўчасини асфальтлаш ҳақида ҳанузгача дарак йўқ. Райондаги ободончилик ишлари билан шуғулланувчи ўртоқларга бораверib, айтаверib чарчадик.

«Париж коммунаси» ва «Қизил Шарқ» маҳаллаларининг аҳолиси номидан:

О. ТОЛИПОВ,
Шахсий пенсионер
М. РАУПОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи.

Хатга жами етти киши қўл қўйган.

Мўътабар зиёратгоҳ — В. И. Ленин музейининг филиали атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш кенг кўламда олиб борилмоқда. Шу кунгача бу ерга юзлаб мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди.

СУРАТДА: музей атрофига дарахт ўтказилмоқда.

М. Штейн фотоси.

„БЕҒАМ ПОЧТАЧИЛАР"

Шу сарлавҳа остида газетамизнинг шу йил 26 январь сонида босилган материалда Куйбишев районидаги кўпгина почта қутилари яроқсизлиги кўрсатилган эди.

Тошкент почтамтидан олинган жавобда кўрсатилишича, газета танқиди тўла тасдиқланган. Почта қутисининг ишламаётганлиги оқибатида бир неча кун давомида хат-хабарлар ундан олинмаган.

Луначарское шоссесидагн барча почта қутилари текширилиб, яроқсизлари алмаштирилди.

Почта қутиларини назорат қилмагани учун шаҳар почта ходими Р. Гусашвилига маъмурий чора кўрилди.

Бундай ҳолларнинг шаҳардаги бошқа почта бўлимларида ҳам рўй бермаслиги учун газета материали кенг муҳокама қилинди.

Тошкент оқшомида босилгандан кейин

Бизнинг интервью

Ленин юбилейи шиори остида

Ўзбек санъаткорлари мамлакатимизнинг саҳна усталари қатори халқаро театр Кунини нишонламоқдалар. Мухбиримиз Ўзбекистон театр жамияти правлениеси раисининг ўринбосари Р. М. Қориев билан суҳбатлашиб, ўзбек театр санъатининг усталари халқаро театр байрамига қандай тайёрланганликларини гапириб беришни сўради.

— Халқаро театр Куни,— деди Раҳим Мажидович, — бугун тўққизинчи марта нишонланмоқда. Бу байрам халқлар ўртасида дўстликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Театр санъати жаҳон халқлари ўртасида маданий алоқаларни яхшилашга катта ҳисса қўшмоқда.

Бу йил ер куррасидаги барча прогрессив инсоният учун ўзига хос байрам йили— Ленин юбилейи йилидир. Халқаро театр Куни бутун дунёда Ленин юбилейи шиори остида нишонланади.

— Раҳим Мажидович, ўзбек театр усталари Ленинномага қандай ҳисса қўшдилар? Сизнингча, бу байрамга аталган қайси саҳна асарларини энг яхши асарлар дейиш мумкин?

— Ўзбек совет театри тараққиётида буюк Ленин образи тасвирланган спектакллар алоҳида ўрин тутади. Ўзбек саҳнасида Ленинномa 1940 йилнинг ноябрь ойидан бошланган дейиш мумкин. Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри ўшанда Н. Погодиннинг «Милтиқли киши» пьесасини саҳналаштирган эди.

Ўшандан буён ўтган ўттиз йил ичида Ленин мавзусида кўпгина асарлар бунёд бўлди. Лекин мен Тошкент театрларида бу соҳада сўнгги йилларда қилинган ишлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрида саҳналаштирилган М. Шатровнинг «Олтинчи июль» драмаси айниқса диққатга сазовордир. Постановкачи режиссёр Т. Ҳўжаев ва К. Кожевников актёрлар кўпчилик эътиборини қозонадиган асар яратдилар. Республика халқ артисти З. Муҳаммаджонов ижро этган Ленин образи доҳийнинг тўлақонли қиёфасини ўзида акс эттиради. Асарда Совет Россияси учун ғоят мураккаб ва қалтис кунлар —1918 йил июль кунлари тасвир этилади.

Горький номидаги рус давлат академик театрида саҳналаштирилган А. Штейннинг «Жалалар ўртасида» асари ҳам коллективнинг муваффақиятидан дарак беради. Асарда ёш Ленининнинг ҳаёти ва кураши акс эттирилади. Доҳий ҳали ўн саккиз ёшидаёқ подшо режимига қарши кураш бошлайди. Шубҳасиз, бу асар ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашга ўз ҳиссасини қўшади.

Яна бир неча янгилик. Муқимий номидаги музикали театр «Бахт-тўйи» музикали адабий композициясини томошабинларга тақдим этди. Навоий номидаги Давлат опера ва балет Академик Катта театрида эса «Бир кўринишли балетлар» премьераси бўлди. Бўлар ҳам ўзбек театр усталарининг доҳий юбилейига совғасидир.

СУРАТДА: Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик театрида қўйилаётган «Бўрон қуши» спектаклидан кўриниш. Мария Александровна ролида СССР халқ артисткаси С. Эшонтўраева ва Володя Ульянов ролида — Р. Авазов.

С. Каган фотоси.

Ўтли тирноқлар унинг яраланган ичига чуқур ботиб борар, чол бор овози билан инграб эди. У ўз хонасининг эшигига бир амаллаб етиб борди, эшикни очди-ю, диванга йиқилиб, ёстиқни тишлаганча ётиб олди. Ётиши билан оғриқ анча пасайди. Қизиб кетган тирноқлар энди унинг ярасига аввалгидек чуқур ботмас эди. «Компресс қўйиш керак,— деб ўйлади у.— дори томизиб ичсам дарров қайтади». Лекин ёнида унга ёрдам бераднган ҳеч ким йўқ эди, ҳеч ким. Нариги хонага, ёки ақалли қўнғироқ тугмасигача етиб боришга эса ўзининг кучи етмас эди.

— Ҳеч ким йўқ,— деб ўйлади у ўксиниб.— Бир кунмас бир кун шунақа итдай ўламан — кетаман. ...Сезиб турибман, оғриётган жигарим эмас. Ажалим яқин қолди. Биламан, энди ҳеч қандай профессор ҳам, дорилар ҳам асраб қололмайди. Олтмиш бешда оғриган одам тузалмайди. Биламан, ичичимни эзгилаб ташлаётган оғриқ —бу ажал. Қолган икки-уч йиллик умрим ҳаёт эмас, ўлиш бўлади. Секин-секин ўлиш... Лекин қачон, қачон мен яшадим ўзи? Қачон ўзим учун, рўшнолик кўриб яшадим? Бу ҳам ҳаётмиди? Умр бўйи пулнинг кетидан қувдим, фақат пулнинг кетидан! Фақат бошқалар учун пул йиғдим. Энди булар менга ёрдам бера олармиди? Ха, меннинг хотиним бор эди. Мен унга қиз уйланганман, яхши кўрганман. Лекин у нимадир сезиб турарди. Энди деярли оғриқ азоби эмас, қанақадир ўзга бир нарса уни босиб, бўғиб келар, ичини таталарди. Чол кўзларини юмганча ётар, ўзида бўлаётган алланақандай ўзгаришга диққат билан қулоқ соларди. Назарида қандайдир бегона, кўзга кўринмас бир куч аввалгга ўткир, кейин эса тўмтоқ бир қурол билан унинг ич-этини таталар, баданининг қайсидир толаларини битта-битта суғуриб ола бошлаган эди. Энди оғриқ тўхтаганди. Бояги даҳшатли азоблар ҳам йўқ эди. Аммо ич-ичида нимадир эзилиб-эриб оқар, нимадир ўла бошлаганди. У нимани билан яшаган бўлса, нимани севган бўлса, бариси мана шу — охистагина ёнаётган оловда қуйиб кўмирга айланиб, кул билан қоплаганча, беparволикнинг зулмат тўла ёпишқоқ балчиғига чўкиб борарди. Чол гира-шира сезиб турарди: нимадир бўляпти. У мана шу ерда — диванда ётиб ўз ҳаётини армон билан эслаётган бир пайтда нимадир рўй беряпти. Нимадир адо бўлди. Нима ўзи? Чол ҳамон жимгина ётганча қулоқ соларди.

Юрагининг сўниши чолда ана шундай бошланди.

Чол ним қоронғи хонада кўзларини ярим юмиб ётар эди. Аста-секин унинг кўзи илинди. Хиралашган тасаввурида тушидами, ўнгидами аллақаердан, қандайдир

Стефан Цвейг

НОВЕЛЛА

ман, у менга бола туғиб берди. Неча йиллар бир ёстиққа бош қўйиб яшадик, бир ҳаводан нафас олдик. Энди нима бўлди. Мен унинг юзини ҳам, овозини ҳам таниёлмай қолдим. У менга бегона одамдек гапиради. Менинг ҳаётиму туйғуларим, ўйлаган ўйларим-у, азобларим билан иши йўқ. У аллақачон менга бегона бўлиб кетган. Хаммаси қаёқларда қолди? Қаёққа ғойиб бўлди? Қизим-чи? Пайти келса йўргаклаб ўстирдим, янгима бир ҳаёт бошлайсан деб ўзимни хурсанд қилдим, яхшироқ, бахтлироқ яшайсан, пешанангга бахт битилган кунлар ҳам келади, ўлсанг ҳам орқангда чирогингни ёқадиган боланг бор, дедим. У бўлса кечалари кўзингни шамғалат қилиб, эркаклар билан ётиб юribди... Бўлди, энди ўлсанг орқангдан қоладиган одам йўқ. Бошқалар учун мен ўлиб бўлганман.. Оҳ худо, оҳ худо, ҳеч қачон ҳозиргидек ғариб бўлмагандим!»

Шафқатсиз оғриқ ҳамон вақти-вақти билан чолнинг баданини ғижимлаб қўяр, кейин бир оз қўйиб юборар, аммо бошқа бир оғриқ унинг чаккаларини борган сайин кучлироқ қисиб борар эди. Хаёллар қаттиқ, қиррадор, қизиб кетган чақмоқ тошлар сингари бераҳмлик билан пешанасини ёндирарди. Энди бу хаёллардан қутула олмайди. Чол сюртуги билан жилетининг тугмаларини ечди. Қаппайиб кетган кўйлаги остига каттакон, қўпол қорни лопиллаб турарди. У оғриётган ерини қўли билан авайлаб босиб қўйди. «Менинг бор-йўғим фақат шу,— деб ўйлади у.— Уша иссиқ тери остида, ичимда оғриётган нарсагина меники. Фақат ўша нарса менга тегишли. Бу менинг касаллигим, менинг ажалим... Фақат шу нарса ўзимники. Йўқ, энди коммерция маслаҳатчиси ҳам, хотин ҳам, қиз ҳам, пул ҳам, уй ҳам, идора ҳам — ҳаммаси адойи тамом бўлди. Менинг ёлғиз бир нарсам қолди: ҳозир бармоқларим тегиб турган ўша нарса — қорниму-ичимни ёндириб юбораётган оғриқ қолди... Қолганлари ҳаммаси ўткинчи гаплар. Энди ҳеч бир аҳамияти йўқ. Бу азоб эса фақат ўзимнинг азобим. Ташвишим ҳам ёлғиз ўзимники... Улар энди мени тушунишмайди, мен ҳам уларни тушунмайман. Мен бутунлай ёлғизман, ғарибман. Мен буни ҳеч қачон бунчалик очиқ-ойдин сезмаган эдим. Лекин буни энди, ажалга рўпара келиб қолган пайтимда, энди сездим. Ёшим олтмиш бешга кирганда, эрта-индин ўлишим муқаррар бўлиб қолганда, жуда кеч сездим буни. Анави шармандалар бўлса танца тушиб, вақтичоғлиқ қилиб, ирқиллашиб юribди. Мен бутун умримни яхшиликни билмайдиган шу одам қадрига етмайдиганларга сарфлаганимни, ўзим бўлсам бир соат ҳам рўшнолик кўрмаганимни энди тушундим. Боре, менга нима, нима ишим бор улар билан? Менн хаёлига ҳам келтирмайдиганларни ўйлаб нима қилдим. Улардан шафқат тилагандан кўра ўлган афзал эмасми? Менга нима?!»

Оғриқ аста-секин, қадамбақадам уни тарк эта бошлади. Шафқатсиз тирноқлар энди унга унчалик қаттиқ азоб бериб, ичини ёндирмас кўз илгамас ярасидан алланечук намхуш, иссиқ бир нарса силқиб чиқиб томирларига қўйилаётгандек, қонига қўшилиб кетаётгандек, аммо ташқарига эмас, ичкарисига оқиб кираётгандек туюларди. Лекин яраси оғримас, унинг қаердалигини ўзи ҳам билмас эди. Йўқ, унинг ҳеч қаери оғримас, бу ҳолат секин, жуда сокинлик билан рўй берарди. Унсиз, илиқ кўз ёшига ўхшаш томчилар тўппа-тўғри юрагига томарди, аммо унинг юраги заррача ҳам парво қилмас, шу бегона томчиларни лаблари билан сассизгина сўриб олаётгандек бўлар, ҳар дақиқа оғирлашиб-оғирлашиб борарди. Мана, у ғиналашиб, шишиб кетди. Кўкрак қафасига сиғмай ҳам қолди. Ана, у ўз оғирлиги билан пастга қараб осилиб тушиб боряпти, тўқималарни парчинлаб, таранг тортилган мушакларини силтаб ташлаяпти. Яраланган, каттакон юрак борган сайин чидаб бўлмас даражада сўрилиб, кўксига тиқилиб қоляпти. Бирдан... бирдан, оҳ... шундай оғриқ бошланди-ки! Ақл бовар қилмас даражада оғирлашиб кетган юрак жойидан кўчиб, секин-секин пастга тушиб кетяпти. Бирданига эмас, силтаниб эмас, оҳистагина, майингина узилди-да, энди пастга тушиб боряпти. Тепадан отилган тош ёки пишиб шохидан узилган мевага эмас, йўқ, оғир, намхуш булут парчасига ўхшаб мавҳум бир бўшлиқ томон сузиб кетяпти. Таниндан чиқиб, аллақандай зулмат қўйнига сингиб боряпти. Ҳозиргина тўсатдан даҳшатли сукунат чўкди. Уша ер бўм-бўш, совуқ ва ваҳимали бир нарсага айланиб қолди. Энди юракнинг уруши эшитилмас, бояги илиқ томчилар томмас, ҳаммаси ўлган, жимиб қолган эди. Кўтарилиб-тушиб турган кўкрак ичида ўша қўл етмас бир нарса ўзининг қора тобутида ётганга ўхшарди.

Чол уйқу аралаш ўзини алахлатаётган бу чуқур саросимани шу қадар аниқ сездики, уйғонишн билан юраги борми ёки йўқлигини аниқлаш учун беихтиёр чап кўксини ушлаб қўйди. Худога шукур! Унинг бармоқлари остида нимадир секин, тартибсиз ғупиллаб турар, лекин бари бир бу бўғиқ ғупиллаш бўшлиқдан келаётгандек, юрак эса ўз ўрнида йўқдек туюларди. Чол ғалати бир нарсани ҳис қилар, гўё танаси юрагидан ажралиб кетганга ўхшарди. Энди уни ҳеч қандай оғриқ безовта қилмас, азобланиб нетган асабларини қақшатмас, бутун вужуди қотиб қолганга ўхшарди. «Бу қанақаси бўлди? — деб ўйлади чол. — Ҳозиргина чидаб бўлмас азобда тўлганаётгандим, ичимда нимадир ёниб кетаётгандек бўлаётган, бир нима бўраётган эди-ку. Асабимнинг ҳар бир толаси қақшаётганди-ку! Менга нима бўлди?» У ўзининг тани ичкарисидаги бўшлиққа қулоқ тутди: бирон нарса узилиб кетмадимикин? Лекин ҳеч қандай товуш эшитилмас, қоннинг оқиши ҳам, юракнинг уриши ҳам сезилмас, ҳаммаси бўшлиққа сингиб кетган эди.

(Давоми бор).

(Боши газетанинг 64, 65, 66, 67, 72-сонларида).

«ПАХТАКОР» нинг рақиблари

МАСК

Бугун

Марказий «Пахтакор» стадионида майдон эгалари футбол бўйича СССР биринчиликнинг навбатдаги турида Москва армиячиларини қабул қиладилар. Қуйида биз газетхонларни Марказий Армия Спорт Клуби командаси билан таништирамиз.

МАСК командаси мамлакатимиздаги энг кекса клублардан бири ҳисобланади. Бу йил москваликлар олий лигада 30-марта ўйнайдилар. Фақат 1952 ва 1953 йиллардагина команда тарқатиб юборилганлиги сабабли биринчиликда қатнашмади.

40-йилларнинг охирлари ва 50-йилларнинг бошларида коллектив СССР биринчилигида айниқса муваффақиятли ўйнаган. Бу даврда командага Борис Андреевич Аркадьев тренерлик қилар эди.

ЦДКА (Қизил Армия Марказий Уйи) командаси биринчи марта 1946 йили СССР чемпиони унвонини қўлга киритди. Шу йили армиячилар 17 учрашувни ютиб, 3 учрашувни дуранг қилишди ва икки учрашувда мағлубиятга учрадилар. 22 учрашувда армиячилар рақиблар дарвозасига 55 тўп киритиб, ўз дарвозаларидан 13 тўп ўтказиб юбордилар.

Шундан сўнг пойтахт армия спорт клуби яна тўрт марта —1947, 1948, 1950 ва 1951 йилларда биринчиликни эгаллади. Команда уч марта кумуш медалларга, олти марта бронза медалларга сазовор бўлган.

Мамлакатнинг тўрт марта чемпиони СССР Кубогини ҳам тўрт марта қўлга киритган. 1945, 1948, 1951 ва 1955 йилларда улар фахрли соврин эгаси бўлишди. Икки марта —1944 ва 1967 йилларда финал ўйинларида иштирок этишди.

МАСК мамлакат биринчиликларида жами 767 учрашув ўтказган (бу ерда мамлакат биринчилигидаги барча ўйинлар жумладан 1969 йилги кучли ўн тўртликка киролмаган уч команда билан ўтказилган олти учрашув ва бу йилги бир ўйин ҳам ҳисобга олинган). 390 учрашувда армиячилар ғалаба қозонишган, 193 учрашув дуранг бўлган ва 184 ўйинда мағлубиятга учраганлар. Тўплар нисбати 1471:811.

Команда энг йирик ғалабани 1964 йили Ярославлнинг «Шинник» командаси устидан ғалаба қозонган. Бу ўйинда москваликлар рақиб дарвозасига 10 тўп киритиб, ўз дарвозаларидан икки тўп ўтказиб юборишган. 1936 йили эса армиячилар энг йирик мағлубиятга учраганлар. Ҳамшаҳарлари динамочилар уларнинг дарвозаларига жавобсиз олти тўп киритишган.

Бугунга қадар МАСК командаси «Пахтакор» билан кучлилар даврасида ўн тўрт марта беллашган. Бу ўйинларда ғалаба уч марта ўзбек спортчилари томонида ва олти марта меҳмонлар томонида бўлган. Беш учрашув дуранг натижа билан тугаган. Тўплар нисбати ҳам москваликлар фойдасига —26:14.

«Пахтакор» сўнгги марта армиячилар билан 1968 йили беллашган (ўтган йили командалар турли группаларга тушганликлари сабабли бир-бирлари билан учрашмадилар). Рақибларнинг ўша йилги биринчи учрашуви 6 апрелда бўлиб ўтган ва 1:1 ҳисоби билан тугаган. Ўйинда ҳисобни тошкентликлар очишган эди. (Абдураимов, 70-минут) Меҳмонларни мағлубиятдан ўйин тугашига етти минут қолганда Раздаев киритган тўп қутқариб қолган эди.

Москвадаги жавоб учрашувида эса армиячиларнинг кўли баланд келди. Шулятицкий ва Поликарпов (2 та) киритган уч тўпга ўзбек футболчилари фақат бир тўп билан жавоб беришди. Бу тўпни ҳам собиқ пахтакорчи Абдураимов киритган эди.

Утган йилгидек, бу йилги мавсумда ҳам МАСК командасининг ҳимоя линияси жуда мустаҳкам.

Марказий Армия Спорт Клуби шарафини бу йил қуйидаги футболчилар ҳимоя қилишмоқда: дарвозабонлар —Ю. Пшеничников ва Л. Шмуц; ҳимоячилар —В. Афонин, Д. Багрич, Ю. Истомин, В. Капличний, М. Плахетко, А. Шестернев; ярим ҳимоячилар — А. Масляев, В. Поликарпов, Т. Шулятицкий, В. Уткин, В. Солохо; ҳужумчилар — В. Федотов, Б. Абдураимов, В. Дударенко, Б. Копейкин ва бошқалар.

СУРАТДА: «Пахтакор» — «Шахтер» учрашувида ўйин пайти.

Р. Нурматов фотоси.

Планетамиз янгиликлари

Америка бомбардимончилари Лаос устида тобора кўпайиб бориши АҚШ Вьетнамдаги олган сабоқларга қарамай, Шарқий Осиёда халқларнинг тинчлик ҳақидаги талабларга эътибор бермай, уруш оловини янада ёндиришга ҳаракат қилаётганидан далолат беради.

(Газеталардан).

Сўзда ва амалда.

Америкада чиқадиган «Дейли уорлд» газетаси босган карикатура.

ТАСС фотохроникаси.

ОЛИМЛАР ҲАМКОРЛИГИ

БУХАРЕСТ. Космик тадқиқотларга доир проблемаларга бағишланиб, Клуж университетида ўтказилаётган симпозиум тугади. Болгария, Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Польша, Руминия, Совет Иттифоқи ва Чехословакия олимлари «Космос — 261» сунъий йўлдоши ёрдамида биргаликда ўтказилган космик эксперимент натижаларини муҳокама қилишди. (ТАСС).

МИЛЛИОНИНЧИ ЗИЁРАТЧИ

ОСАКА, (ТАСС). Фукуи шаҳрининг 37 яшарлик фуқароси Тецуо Ока бугун Осака шаҳрида очилган «ЭКСПО-70» жаҳон виставкасидаги совет иттифоқи павильони зиёратчиларининг миллионинчиси бўлди. «ЭКСПО-70» Совет секциясининг бош комиссари В. А. Борисов Ока ва унинг ўғли яшар қизи Наокага эсдалик совға — улкан «матрёшкани» тақдим қилди.

(ТАСС).

ЛЕНИН ЮБИЛЕЙИ ШАРАФИГА

Гавана

1961 йил апрель ойида Плайя-Хиронга бостириб кирган империалистларнинг ёлланган малайлари устидан қозонилган ғалабанинг навбатдаги йиллигини Куба халқи ҳар йили ўзининг фидокорона меҳнати билан нишонлайди. Куба компартияси Марказий Комитети революцион пропаганда комиссиясининг қарорига мувофиқ Ленин юбилейи йили бўлган 1970 йил апрелида бутун мамлакатда «Плайя-Хирон ойлиги ва В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги» ўтказилади.

Комиссия шаҳар ва қишлоқ меҳнатчиларини ана шу икки шонли санани фидокорона меҳнат билан нишонлашга чақирди.

Улан-Батор

Монголия Халқ Республикасининг давлат нашриёти В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги муносабати билан В.И. Ленининг бир қанча асарларини монгол тилида ва монгол авторларининг Ленин ҳақидаги ісарларини босмадан чиқарди.

Юбилейга бағишлаб чиқарилган Ленин ҳақидаги мақолалар ва эсдаликлар тўплами «В. И. Ленин тўғрисидаги муқаддас хотира» деб аталади. Жуда кўп нусхада босилган ана шу тўпламга 1920—1922 йилларда жаҳон пролетариатининг доҳийси билан учрашган партия ва халқ вакилларининг салкам 30 та мақоласи киритилган.

Адан

Жанубий Яман пойтахтидаги докерлар клубида В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги муносабати билан кеча бўлиб ўтди. Адан порт ишчилари касаба союзи ташкил этган бу кечада иштирок этишни хоҳлаганларнинг ҳаммаси ҳам клубга сиғмади.

Касаба союз секретари Тар Юуш Саиф кечада нутқ сўзлади. У бундай деди: «Ленин бошчилик қилган революция жаҳондаги кўпгина халқларга озодлик, адолат ва социализм учун йўл очиб берди. Ҳозирги вақтда Ленин ғоялари миллий мустақиллик учун курашаётган халқларнинг йўлчи юлдузи бўлиб келмоқда.

(ТАСС).

МАШЪУМ ДОКТРИНА АМАЛДА

ВАШИНГТОН. (ТАСС). Қўшма Штатлар билан ҳарбий битимлар тузган мамлакатларга қурол-яроғларни насияга бериш тўғрисидаги қонун лойиҳасини Америка конгрессининг вакиллар палатаси кеча қабул қилди. Шу қонун лойиҳасига биноан Греция, Сайгон қўғирчоқ режимига, Тайванга ва бошқа айрим мамлакатларга ҳарбий кемалар насияга етказиб берилади. Чунончи, Тайван учта сув ости кемаси, Жанубий Вьетнам эса иккита эсминц олади.

Илгари вакиллар палатасининг қуролли кучларга доир ишлар билан шуғулланувчи комиссияси қабул қилган шу қонун лойиҳасини муҳокама қилиш вақтида конгресснинг бошқа мамлакатларга қурол-яроғ етказиб бериш тараф-дорлари вакиллар палатасидаги овозларнинг кўпчилигини олишга муваффақ бўлдилар. Улар Никсоннинг «Гуам доктринаси»ни рўкач қилиб кўрсатдилар. Шу доктрина АҚШнинг иттифоқчиларини дунёнинг турли районларида Вашингтоннинг ҳарбий-сиёсий мақсадларига эришишда тагин ҳам актив қатнаштиришни кўзда тутади.

Заҳарли моддалар ишлатилмоқда

Вьетнам информация агентлигининг озодлик матбуот агентлиги маълумотларига асосланиб хабар қилишича, шу йил 31 январда АҚШ самолётлари Куангнам вилоятидаги Кифиок ва Киан қишлоқларини шафқатсизларча бомбардимон қилганидан кейин шу қишлоқларга заҳарли газ тўлдирилган контейнерлар ташлаб кетди, натижада 250 киши қаттиқ заҳарланди.

(ТАСС).

ЙЎЛАКДАН ЖАВОБ ТЕГДИ

АНҚАРА. (ТАСС). Туркия энергетика ва табиий ресурслар министрлиги бешта бура (натрий бор тузи) конини эксплуатация қилиш учун Англиянинг «Боракс консолиэйшед» фирмасига берилган лицензияни бекор этишга қарор қабул қилди. «Жумҳурият» газетасининг хабар беришича, бу конларни қазиш ҳуқуқи Туркиянинг «Этибанк» фирмасига берилди.

Бура конларини қазишдан катта-катта даромад олган инглиз фирмаси олий судга шикоят аризаси берган бўлсада, аммо бу ариза рад қилинди.

«Жумҳурият» газетаси таъкидлаб ёзадики, ана шу Бура конлари Туркия экономикасига ҳар йили 100 миллион доллар даромад келтириши мумкин.



Закопане — Халқ Польшасидаги машҳур курорт. Бу кичкинагина шаҳар Татр тоғ этакларида жойлашган бўлиб, тўрт томондан Ґубалувка, Ґевонт, Каспрови тоғ чўққилари билан ўралган, игна барглн ва кенг яproқли ўрмонлар билан безанган.

СУРАТДА: Закопанеда ҳозирги замон автобуси билан чаналар ёнма-ён. Бу ерда транспортнинг қайси турн яхшилиги ни билиш қийин. В. Мастюков фотоси.

ТАСС фотохроникаси.

Перуда ер деҳқонларга бўлашиб берилди

ГАВАНА, (ТАСС). Перу ҳукумати ер ислоҳоти тўғрисидаги қонунга мувофиқ, Ламбаеке вилоятидаги «Тукуман» аграр индустриал комплексини тортиб олди. Пренса Латина агентлиги мухбирининг Лимадан хабар беришича, ушбу комплексда 8,5 минг гектардан зиёд ер, турли қишлоқ хўжалик иншоотлари ва техника бор. Яқин фурсатда, деди қишлоқ хўжалик министри Хорхе Барандиаран, ана шу ерлар деҳқон жамоаларига расман бўлашиб берила бошлайди.

БАТРАКЛАР ҒАЛАБАСИ

РИМ. (ТАСС). Режо — Ди—Калабрия вилоятидаги қирқ минг батракнинг янги меҳнат шартномасини тузиш учун 7 кундан бери давом этиб келаётган забастовка кураши ғалаба билан тугади. Ана шу шартномада қишлоқ хўжалик ишчиларининг иш ҳақини ошириш ва қишлоқ хўжалик ишчилари касаба союз ташкилотларининг ҳуқуқларини тан олиш кўзда тутилган.

Кеча меҳнат шартномаси имзоланди.

● Аҳлоқ тузатиш меҳнат колониясининг тарбияланувчиларига жавоб хати

Яхшиларга эргашдим...

«Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи Оқилхон Шарофиддиновга!

Биз аҳлоқ тузатиш меҳнат колониясининг тарбияланувчилари Сизга ўта илтимос билан мурожаат қиламиз: меҳнатдаги қаҳрамонлик жасоратингизни ҳикоя қилиб берсангиз, орзу ва умидларимиз билан Сизга эргашишни истаймиз. Биз жиноят қилганмиз. Аммо эндиликда —ўтмишга қайтиш йўқ. Ниятимиз ва аҳдимиз шу.

Шу ҳақда ёзиш билан бирга автограф ёзиб, суратингизни бериб юборишингизни илтимос қиламиз.

Колония тарбияланувчилари номидан Совет раиси: **Косяков.**

Қуйида Оқилхон Шарофиддиновнинг ана шу мактубга жавобини газета орқали эълон қилишни лозим топдик. Марҳамат ўқинг.

Қўчамиздаги кўмкўк майсалар билан қопланган ариқ бўйида оппоқ бўлиб гуллаб турган ўрик тагида хаёл сурib ўтирган эдим, қўлимга пуштиранг конвертда бир хат тутқазишди. Бу сизларнинг мактубингиз эди. Уни ўқиб чиқдим-у, яна хаёлга толдим. Мен ўз хаётимда ёр-биродарларимдан, таниш-билишларимдан, Улуғ Ватан урушида қатнашган мардона жангчилардан, ажойиб меҳнатсевар кишиларимиздан кўплаб мактублар олганман. Ҳаммаси мени ҳаяжонлантирган, қувонтирган эди. Лекин сизларнинг мактубингиз мени ўйлантириб қўйди.

Хатда: «Бизга ўз ҳаётингиз ҳақида ёзинг, ундан ибрат олайлик»,— дебсизлар.

Мен — ёши етмишдан ошган бир кексаман. Ҳаётнинг ҳамма аччиқ-чучугини татиб, пастибаландини кўрганман. Биз яшаб турган жамиятдаги машҳур қаҳрамонлардан тортиб, энг оддий одамларимизнинг ҳар бирида гўзал фазилатлар шунчалар кўпки, улардан доим ибрат олиш керак. Зеро, яхшиларга эргашган, албатта муродига етади.

Биз бир группа кишилар Тошкент шаҳрининг барча аҳолисига «Очиқ хат» ёзиб, «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари орқали бундай деган эдик: «...Яхши хулқ-атворли ширинсухан ва маданиятли бўлиш — ҳар биримизнинг, Тошкентда истиқомат қилувчи ҳар бир кишининг ватанпарварлик бурчидир».

Хўш, яхши хулқ-атворли, ширинсухан ва маданиятли бўлиш учун нима қилиш керак? Ўсиб-унишни истаган ҳар бир ўсмир бу муҳим масала устида доим ўйлайди.

Аввало, шундай бир саволни ўртага ташлайлик:

— Биз қайси замонда яшаяпмиз?

Тинч, фаровон бахт-саодат кулган гўзал ҳаёт бағридамиз. Турмушимиз, ўқиш-меҳнатимиз, ўсиб-улғайишимиз учун ҳамма нарса муҳайё. Узингиз ўйланг, бизда хор-зорлик, очлик-юпунлик деган нарса борми? Йўқ! Ишлаган тишлайди, меҳнат қилган роҳат кўради. Ким қайси касбни эгаллашни истаса, унга ихлос билан интилса, орзусига эришади. Қиска-си, ҳаммамиз доирломан ҳаёт кечираяпмиз. Ҳар биримизнинг умид-орзуимиз, ташвишларимиз ва севинчларимиз бор.

— Бу гулгун ҳаётни бизга ким берди?

Мен ана шу ҳақда ўйлаганимда, ўсмирлик йилларим ёдимга тушади. Шу ўринда айтайки, инсон умрининг энг гўзал фасли — ўсмирлик пайти. Лекин, мен ва мен тенги кекса авлоднинг ўсмирлик йиллари зулматда, қоронғу дунёда ҳасратнадоматда ўтди. Келинг, ўша оғир йилларданбир шингил ҳикоя қилиб берай.

Отам Шарофиддин деҳқон эдилар. Шаҳар четидаги Қорамурт қишлоғида деҳқончилик қилиб, эрта тонгдан тунга қадар қора тер тўкиб ишлардилар. Аммо доим қорнимиз оч, устимиз юпун эди. Бир бурда нон, бир луқма ош, бир оғиз ширин сўзнинг гадоси эдик. Тўққиз ёшга кирганимда, отамлар ўғлим ўқисин деб маҳалламиздаги эски мактабга ўқишга бердилар. кўримсиз, зах ва қоронғи ҳужрада чўккатушиб олиб ўқирдик. Кейинчалик Мажжоми ёнидаги Хўжа Аҳрор мадрасасига қатнай бошладим. Лекин бу ердаги тартиб-интизом ҳам, ўқиш ҳам мени қаноатлантирмади. Кўпроқ уйда ўзим мутолаа қилиб, саводимни чиқара бошладим.

Шу орада инқилоб бўлиб қолди. Эски мактаб ва мадрасалардаги мулла-ваччалар тарқалиб кетди.

Ҳамма ёшлар илму-урфон учун янги мактаб, янги вазифаларга жалб этилди. Мен шу пайтда ўн тўққиз ёшда эдим. Маориф халқ комиссарлиги кўрсатмаси билан Ўрта Чирчиқ районидаги Тўйтепа, сўнг Деген ота қишлоқларида бошланғич мактаблар очдим.

Эҳе, янги мактаб ташкил этиш, халқ болаларини тўплаш ва турли унсурлар билан курашиш қанчалик қийин бўлганини айтмай қўя қоламан! Жуда оғир бўлган эди у пайтлар. Деген ота қишлоғида Холтурсун минг бошининг бир меҳмонхонасини олиб, тахталар тагига ғишт қўйиб янгича «парта»лар бунёд этганмиз, патнусни «доска», кесакни бўр ўрнида ишлатганларимиз сира эсимдан чиқмайди. Янги мактабга келиб, мўлтираб қараб турган ўша собиқ ўқувчиларимга бирининг дарсда шундай деганман:

— Сизлар бугундан бошлаб Шўро ҳукумати мактабида ўқийсизлар. Йўлбошчимиз Ленин сизларга янги мактаб биноси бунёд этади, янги парталар, билим хазинаси бўлган китоблар, яхши дафтарлар беради. Келажакда сизлар катта мактабларда, дорилфунунларда ўқиб, улуғ одам бўлиб етишасизлар.

Ана ўша орзуларимиз ушалди! Хўш, эндиликда қалбимизда яна бир савол туғилади.

— Яшашдан мақсад нима?

Шу ўринда бир донишмандинг гапи эсимга тушди. У: «Мен овқат ейиш учун яшамайман яшаш учун овқат ейман»,— деган экан. Бу гапда катта ҳикмат бор. Енгил-елпи, ўйинкулги ва нуқул маишат билан ҳаёт кечиришни ўйлаган одам бир кун эмас бир кун пешанасини «гурра» қилиб олади.

«Тошкент оқшоми» газетасининг 19 март сонида «Виждонинг борми?» деган бир мақола босилди. Хат муаллифининг укаси ахлоқ тузатиш колониясида экан. Аёл укасидан қаттиқ нафратланиб, бундай деб ёзибди: «...Мен алдов билан яшайдиган одамларга қўлимни чўзмайман. Одамга бир марта ишониш мумкин. Лекин қамалиб чиқиб, ота-онаси не машаққатлар билан топган нарсаларини қўлтиғига уриб жўнаб қолганларга ишониб бўлмайди... Йиғлабсиқтаб хат ёзгандан кўра, озодликка чиқиш учун ҳалол меҳнат қил».

Мана шу аёлнинг укаси пешанасини «гурра» қилиб, шарманда бўлиб қолди. Энди унга ҳеч ким ишонмайди.

Менинг отам деҳқон эдилар, дедим. Бир куни отамлар боғ олдига чинор экаётганларида қўшни чол ҳиқиқ қолди.

— Ҳа, Шарофиддин, қанақа кўчат ўтказяпсиз?

— Чинор,— дедилар отам,— чинорнинг соясиёхши бўлади.

— Э, бу чинор катта бўлиб, соя бергунча дунё икки айланади-ку,— деди қўшни чол.

— Майли, — дедилар отам,— биз чинорни ўтказаверамиз. Келгуси авлод унинг соясидан баҳраманд бўлади, бизни эслаб юришади.

Яхши одам ҳаммани ўйлайди. Ҳаётда дононинг сўзи, мардининг иши мангудир.

Яшаш — бу яратиш. Ёзувчи асари, бастакор куйи, бинокор иморати, ўқитувчи шогирди билан ном қолдиради. Мен муаллимлик касбини севиб, ярим аср давомида ёш авлодни ўқитдим, биринчи синфлар учун «Алифбе» китобини тузди, бир неча дарсликлар яратдим... Аммо бир ҳали кўнглим тўлган эмас...

Она-Ватанга, ўз халқига меҳрини бағишлаган киши ҳеч қачон камлик кўрмайди. Доно халқимиз: «Бўлбул чаманини севади, одам Ватанини»,— деб бежиз айтмаган. Ватанга, халқига садоқатли киши етук маданиятли, ахлоқли, одобли, довюрак, меҳнатсевар бўлади.

Фарзанд — ота-онанинг қаноти, фахри, дейміз. Бир парча этдан баркамол инсон яратиш машаққатини ота-она бўлган одам билади. Кучсиз, мадорсиз, ҳали оёққа туролмаган гўдакни ота-она ўз бағрида суюб-ардоқлаб катта қилади. Ана шу гўдак эс-ҳушини таниб олгач, папирос чекиб, ароқ ичиб ота-онасини ҳақоратлаб турса, кўча-кўйда безорилик қилса, нақадар даҳшат! Бундай ноқобил фарзанддан ўз ота-онаси, доиси, боғчадаги тарбиячиси, мактабдаги ўқитувчиси, институтдаги домласи, она-Ватан ҳам нафратланади.

Менинг олти фарзандим бор. Тўрт ўғлим—шифокор, бири биолог, қизим эса менинг касбимни севиб, ҳозир ўқитувчи бўлиб ишлаяпти. Уларни кўриб фахрланаман, фарзандим-асал қандим, дейман.

Шаҳардаги жуда кўп танишларимнинг фарзандлари меҳнат, ўқиш ва халол яшаётганини кўриб, қувончимга қувонч қўшилади. Одамлар тинч-тотув ва фаровон турмуш қуриб, яхшилик учун, саломатлик учун курашаётган бир гайтда, орамиздан худди қора мушук ўтгандек бозорнинг чиқиб қолиши тепа сочингни тик қилиб юборади.

Менга хат билан мурожаат қилган ёшлар ўз хатоларини чуқур тушуниб, олганларидан қувониб, ҳаяжонимни ичимга сиғдиролмаяпман. Инсон бир марта янглишиши мумкин, лекин ана шу янглишишдан жуда қатъий хулоса чиқариб олса, иккинчи бор қоқилмайди. Одамлар ҳам сизларга ишониши ва келгусида яхши ишларингизни кўриб раҳмат айтиши мумкин.

«Яхшиларга эргашдим, топмадим зиён, дерман»,—(халқ қўшиқларининг бирида ана шундай дейилади. Бу ҳикмат бежиз айтилмаган. Мен умрим бўйи яхшиларга эргашдим, фақат эзгу ишлар қилишга интилдим... Республикамиз ўқитувчилари орасида биринчилардан бўлиб Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлишимга ана шу хислатим сабаб бўлди.

Олдингизда катта ҳаёт йўли турибди. Бу йўлда дастлабки қадамларингина ташладингиз. Бироқ, қоқилиб қолдингиз. Ўрингиздан туриб, қаддингизни кўтаринг! Дадил олга интилинг. Сиз яшаб турган ҳаёт нақадар гўзаллигини, сизни қамраб олган халқ нақадар меҳри дарё эканлигини ҳис этасиз, бунга имонингиз комил бўлади.

Азиз фарзанд ва гиҳ!
Яхши одам бўлинг. Яхши одам бўлиш учун яхши ўқинг, меҳнатни севинг, шу билан бирга яхшиларга эргашинг
Сизларга доим бахт-саодат тилаймен
Шар

О. ШАРОФИДДИНОВ,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

Текинхўрлик, безорилик ва ичкиликбозликка шафқат йўқ!

ШАҲРИМИЗГА ДОҒ ТУШИРАЁТГАНЛАР

Майда безорилик учун қамалганлар

***Бирюков Е. Ф.**, 1932 йилда туғилган. Чилонзор массивидаги 2-квартал, 57-уй, 10-квартирада истиқомат қилади. Тошкент темирйўлининг 2-вагон депосида ишлайди. Жанжал кўтариб, тўполон қилганлиги ва оғзи шалоқлиги учун 10 суткага қамалди.

***Плотников В. Б.** 1952 йилда туғилган, Чилонзор массивидаги 9-квартал, 6-уй, 18-квартирада яшайди. «Главташкентстрой» г а қарашли 2-«Строймеханизация» трестининг слесари. Кўчада тўполон қилиб, жамоат тартибини бузганлиги учун 10 суткага ҳукм қилинди.

Ҳушёрхонада тунаганлар

***Шликов Б. Н.** 1923 йилда туғилган, 14-кўприксозлик бошқармасининг ишчиси, Энгельс кўчасидаги 12-уй, 17-квартирада яшайди. Ҳушёрхонага Карл Маркс кўчасидан маст ҳолатда олиб келинди.

***Жалолиддинов Х. С.** 1941 йилда туғилган. Тошкент заргарлик фабрикасининг қуювчиси. Сағбон кўчасидаги Типичний проезди, 6-тупик, 9-уйнинг 18-квартирасида туради. Ҳушёрхонага Усмон Юсупов кўчасидан учиб қолган ҳолда олиб келинди.

✱ Суд залидан

ЎҒРИ ОЛТИ ЙИЛГА ҚАМАЛДИ

Кушков Мухарбек уч марта судланган. Ўтган йили охирги жазо муддатини ўтаб, Тошкентга келиб, Сергелида танишларининкида яшай бошлайди.

Бирор жойда ишламайди. Нафси учун пул ўмаришга киришади. Равил деган ўртоғи билан 7-кварталдаги 5-ётоқхонада Қодировни роса дўппослаб, кийим-боши ва қирқ беш сўм пулини олиб қочишади.

Муттаҳам ҳамтовоқлари билан кўчада автобус пойлаб турган йўловчиларга, ёлғондан нарир о қ л а кимдир одам ўлдирибди. ёрдам беринглар ,деб хилватроққа олиб бораиди-да, Бабинскийнинг камзулини ва саксон етти сўм пулини, яна А. Каян деган кишининг кийим-кечаги ва пулини шилиб олишади...

Яқинда Сергели район халқ суди М. Кушков жиноятини фош қилди ва олти йил қамоқ жазосига ҳукм қилди.

Н. БОТИРОВ,
Сергели район халқ суди секретари.

МАШИНАСОЗЛАР МАЪҚУЛЛАМОҚДАЛАР

Куни-кеча, «Ташсельмаш» заводи маданият уйида машинасозларнинг Ҳамза район прокуратура суд ва милиция ходимлари билан бўлиб ўтган учрашуви текинхўр, безори ва ичкиликбозларга қарши курашга бағишланди.

Йиғилишда район прокурори Т. Хўжахонов «Безориликка қарши курашни кучайтириш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг 1966 йил 26 июлдаги қарори ҳақида» доклад қилди.

Сўнгра район ички ишлар бўлимининг бошлиғи, подполковник Т. Абдурахмонов жиноятчиларга қарши курашда милиция ходимларининг олиб бораётган ишлари тўғрисида гапириб, йиғилганларнинг бир қанча саволларига жавоб берди.

Учрашув охирида район халқ суди раиси Т. Позднякова раҳбарлигида жамоат тартибини бузганлиги учун ушланган бир группа безорилар очиқ суд қилинди. Судланувчилардан «Ташсельмаш» заводи 4-темирчилик цехи инженер-технологи А. Шеголев маст ҳолда оилада жанжаллашиб хотинини калтаклагани учун ўн беш суткага, шу заводнинг А. Сталаков, А. Ҳасанов каби ишчилари ҳам жамоат тартибини бузганликлари учун ўн суткага ҳукм қилиндилар.

1939 йилда туғилган Ринат Мансуров Абразив заводида ишлашига қарамасдан, шаҳарда прописксиз яшаб келган. Суд ҳайъати 1967 йил қамалиб, тавбасига таянмаган бу безорини шу йилнинг 10 март куни маст ҳолда ўз онасини калтаклагани учун ўн беш суткага ҳамда жазо муддатини ўтагандан сўнг, Тошкентдан чиқариб юборишга ҳукм чиқарди. Залда йиғилганлар суд ҳукмини якдиллик билан қарши олдилар.

А. АШУРОВ.
жамоатчи муҳбир.

● ЯХШИ ФАЗИЛАТЛИ КИШИЛАР.

Абдулла Собиров билан Саодат Ибодуллаевалар В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетида ўқишади. Улар ўзларининг ҳулқ атворлари билан бошқаларга ўрнак бўлишмоқда.

СУРАТДА: А. Собиров ва С. Ибодуллаева В. И. Ленин асарларини кўздан кечиришмоқда.

Ж. Раззоқов фотоси.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА— **Лайли ва Мажнун** (кечкурун), 28|III да **Этик нийган мушук** (кундузи), **Травиата** (кечкурун), 29|III да **Зулматдан зиё** (кундузи), **Севги туморн** (кечкурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 27|III да **Қонли сароб** (кечкурун), 28|III да **Олтинчи июль** (кундузи), **Олтин девор** (кечкурун), 29|III да **Олтинчи июль** (кундузи), **Аяжонларим** (кечкурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА— **Қайнона** (кечкурун), 28|III да **Ажаб савдолар** (кундуз ва кечкурун), 29|III да **Кумуш тўй** (кундузи), **Паранжи сирлари** (кечкурун).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА— 28|III да **Баҳс**, 29|III да **Баҳс**.

КИНО

27 МАРТДА

Доктор Гомернинг унаси — «СПУТНИК» (тоқ соатларда), «ЧАЙКА», «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (кечкурун).

Македонча тўй — «СПУТНИК» (жуфт соатларда), САНЪАТ САРОЙИ, «МОСКВА» (кечкурун).

Тилла зирак (ўзбек тилида, кундуз соат 12 да), **Сангам** (ўзбек тилида, кундуз соат 2,20 минут ва кеч 6 да) — НАВОИЙ номли.

Ҳиндулар суянчиғи — «ВОСТОК» (кундуз ва кечкурун).

Гўзал малинам — «МОСКВА» (кундуз соат 2 да).

Қирқ биринчи йил олмалари — САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11 да).

28 МАРТДА

Доктор Гомернинг унаси — «СПУТНИК» (тоқ соатларда), «ЧАЙКА», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечкурун).

Македонча тўй — «СПУТНИК» (жуфт соатларда), САНЪАТ САРОЙИ, «МОСКВА» (кундуз ва кечкурун).

Тилла зирак (ўзбек тилида, кундуз соат 12 да), **Сангам** (ўзбек тилида, кундуз соат 2,20 минут ва кеч 6 да) — НАВОИЙ номли.

Ҳиндулар суянчиғи — «ВОСТОК» (кундуз ва кечкурун).

Гўзал малинам — «МОСКВА» (кундуз соат 2 да).

Қирқ биринчи йил олмалари — САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11 да).

8 апрель кундуз соат 2 да Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг химия ва химия-технология бўйича бирлашган илмий совет кенгаши (Черданцев кўчаси, 19 уй) да химия фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Х. Г. Маҳсумова: «Талинтрум ўсимлигининг алкалоидлари. Таликмидин, таликмиин, тализопин ва тализопидиларнинг тузилиши» деган темада;

С. Ф. Матхолиқова: «Кодонопсис клематидер ўсимлигининг алкалоидларини текшириш. Кодонопсин, кодонопсиниларнинг тузилиши» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЕҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан академия кутубхонаси (А. Тўқаев кўчаси, 1 уй) да танишиш мумкин.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

27 МАРТ КЕЧ СОАТ 7 ДА СССР биринчилиги учун «МАСК» (Москва) — «ПАХТАКОР» (Тошкент) олий лига «А» класс командалари ўртасида

ФУТБОЛ

РАДИО

27 МАРТ

ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 Илмий-атеистик темаларда эшиттириш (ўзбекча). **18,10** Рақс куйлари, **19,20** Радио эшитувчиларнинг талабларига мувофиқ концерт (татарча), **20.00** ФУТБОЛ. СССР биринчилиги. «Пахтакор» — ЦСКА «ПАХТАКОР» стадионидан о л и б эшиттирилади, **20.45** Ўзбекистон қурилишларида радиожурнали (русча), **21,10** Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. **21.40** Сиёсий билимлар радиоуниверситети (ўзбекча), **22,30** «Янги ёзиб олинган асарлар». К. Симонов. «Тўртинчи». Радиоспектакль (ўзбекча).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Ўзбекистон композиторларнинг камер куйлари, **19,30** Темирйўлчилар Маданият саройи бадиий ҳаваскорларининг концерти. **20,00** Х. Мавлонова ва А. Бобоқулов ижросида қўшиқлар. **20.30** Баҳор қўшиқлари, **20,50** «Кўрик чорлайди» (русча), **21,00** Чет эл Шарқи адабиёти. Ш. Бағдодий. «Бўйиндаги сиртмоқ» ҳикояси (ўзбекча).

ТЕЛЕВИЗОР

27 МАРТ

ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

17.55 Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.00 Телевизион янгиликлар. **18.15** Музикали календарь. **19,00** Футбол бўйича СССР биринчилиги. «ПАХТАКОР» — «ЦСКА». Танаффус вақтида ўзбек тилида телевизион янгиликлар.

Ўзбек тилида: 20.45 Кўкламги экиш — биринчи имтиҳон. **21.00** Халқаро театр куни олдидан. «ҲАЁТ ВА САҲНА».

МОСКВА КЎРСАТАДИ

22.00 Интервидение. Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. СССР — ЧССР. Швециядан олиб кўрсатилади. Танаффус вақтларида янгиликлар ва реклама. **00,15** Янгиликлар эстафетаси. **01.00** Театр учрашувлари. IX халқаро театр куни. **02.15** Футбол бўйича СССР биринчилиги. «ДИНАМО» (Тбилиси) — «СПАРТАК» (Москва). Иккинчи тайм. **03,10** Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

УҚУВ КЎРСАТУВЛАРИ ПРОГРАММАСИ

18.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Немис тилидан 27-машғулот.

Рус тилида: 18.30 Ота-оналар учун консультация. **19.00** Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Сиёсий иқтисод (ўзбек тилида). **19.25** Инглиз тилидан 27-машғулот.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.00 Кўрсатувлар программаси. **20,05** Янгиликлар. **20,15** Рангли телевидение. Интервидение. «ЧАШМА». Фольклор клуби. **21.00** Янгиликлар. **21.15** В. И. Ленин ҳаёти ва фаолиятининг хроникаси.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

22,00 «Бир планетада». Бадиий фильм (ўзбек тилида).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 Симфоник оркестр чолғу асбоблари. Рус тилида: **20.30** «Ёшлик давраси». **21.00** «Булутли тонг» Бадиий фильм. (3-серия).

Тошкент шаҳар Октябрь район халқ маорифи бўлими ва район касаба союз ташкилоти 167 ўрта мактаб коллективи шу мактабнинг математика ўқитувчиси

Темурхон АББОСОВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор қиладилар.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА

ДОҲИЙИМИЗ В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 100 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

31 МАРТДА

Янги спектакль

ЕНҒИН МИРЗО асари — НАБИ ХАЛИЛОВ музикаси

БАХТ ТЎЙИ

Инки қисмдан иборат музикали драматик достон

Саҳнага қўювчи режиссёр — СССР халқ артисти, СССР давлат мукофоти лауреати Р. ҲАМРОЕВ.

Дирижёр — Н. ХАЛИЛОВ, Э. ТОШМАТОВ.

Рассом— ЎзССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Г. А. ВИЗЕЛЬ.

Балетмейстер — О. НАЗРУЛЛАЕВ.

Хормейстер — К. САЪДУЛЛАЕВ.

Концертмейстерлар — М. ФУРМАН, А. МАЛИНА.

Режиссёр-ассистенти — Р. МУҲИТДИНОВА.

Спектакль кеч соат 8 да бошланади.

Билетлар сотилган.

Тошкент оқшоми 4 бет. 27 МАРТ, 1970 й.

«Вечерний Ташкент» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Дзер жинский кўчаси, 15-уй. Редакция телефонлари: Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22, партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари, 33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлимлари —33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари иллюстрация бўлимлари—33-27-57, саноат, транспорт ва қурилиш бўлимлари —33-27-03, ахборот бўлими 33-2895, эълонлар бўлими —33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64579
НАШР 2763
Р—00360